

Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!

№ 60 (511) 2021 йил 3 август, сешанба

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI

ЎЗБЕКISTON BUNYODKORI



СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@uamail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

Шу куннинг гаплари

Тошкентда кўп қаватли уйлар ва аҳоли зич жойлашган маҳаллаларнинг ички йўл атрофлари ҳамда бошқа бўш майдонларда **ИСТИРОХАТ ЙўЛЛАРИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ.**

Хоразмнинг Гурлан туманида "Лойиҳа қурилиш люкс" хусусий корхонаси томонидан **1,5 Га** майдонда янги спорт мажмуаси қурилишига киришилди.

Давлат дастури бўйича Олтинкўл туманидаги **"Хондибоғи"** маҳалласининг янги қурилган биноси фойдаланишга топширилди.

Қибрай туманида 2021 йилда **24 та** маҳалла биноси қурилиши режалаштирилган. Шу кунгача уларнинг **9 та**си замонавий кўринишга келтирилди. 2020 йилда эса **11 та** МФЙ биноси қайтадан қурилган.

Навоий вилояти статистика бошқармаси маълумотига кўра, 2021 йилнинг январь-июнь ойларида вилоятда **2 трлн 170,8 млрд** сўмлик қурилиш ишлари бажарилган. Бу – ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **103,4** фоизга кўпдир.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни

Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳаси тақдимоти билан танишди.

Иссиқлик таъминоти ҳаёт сифатини таъминлайдиган омиллардан бири. Мамлакатимизда бу тизимни такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда Андижон, Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарларидаги реконструкция иссиқлик таъминоти тармоқлари реконструкция қилинмоқда. Жорий йилдан бошлаб, Нукус, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Гулистон, Урганч, Фарғона, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатиш бошқарув-сервис компанияларига ўтказилмоқда.

Тошкент аҳоли сони жиҳатидан ҳам, иссиқлик тармоқларининг кўлами бўйича ҳам мамлакатимизнинг энг катта шаҳридир. Бу ерда 9 минг 165 та кўп қаватли уй, 3 минг 475 та ижтимоий объект марказлашган иссиқлик таъминотига уланган. Лекин магистрал ва тарқатиш тармоқларининг 72 фоизи, марказий қозонхоналарнинг ҳаммаси, маҳаллий қозонхоналарнинг 90 фоизи эскирган.

Бу харажатларнинг ҳаддан зиёд ортиб, из-

мат сифати пасайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, ўтган йили иссиқлик энергияси йўқотилиши 44 фоизи, пулга чаққанда, 630 миллиард сўмни ташкил этган. Бунинг учун 460 миллион куб метр табиий газ, 55 миллион куб метр ичимлик суви, 154 миллион киловатт электр энергияси ортқича сарфланган.

Оқибатда "Тошиссикқуввати" давлат унитар корхонасининг кредитор қарздорлиги юқориликча қолмоқда. Хизмат сифати пастлиги аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу боис 2019 йил 2 декабрда "Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилиниб, тизимда бозор тамойиллари ва давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Ўтган даврда бу борада лойиҳа концепцияси тайёрланиб, тақлифлар олиш учун танлов эълон қилинди. Осиё тараққиёт банкининг хулосасига кўра, Франциянинг "Veolia" компаниясининг лойиҳаси энг самарадор деб топилди. Бу компа-

ния Польша, Чехия, Руминия, Литва, Германиядаги шаҳарларда иссиқлик тизимини бошқариш тажрибасига эга.

Шу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан компания ўртасида хусусий шериклик шартномаси имзоланиши кутилмоқда.

Лойиҳага кўра, "Veolia" компанияси томонидан 315 миллион евро, лойиҳа даврида олинган даромад ҳисобидан 1 миллиард 80 миллион евро йўналтирилиши кўзда тутилган.

Бу маблағлар эвазига 181 та иссиқлик қозонхонаси модернизация қилиниши, 28 мингта иссиқлик пункти ўрнатилиши, 841 километр тармоқ реконструкция қилиниб, 576 километр тармоқ янгидан қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, 391 та махсус автомашина ва бошқа ускуналар сотиб олинади. Халқаро даражадаги техник аудит ва биллинг тизими жорий этилади.

Тақдимотда, аввало, иссиқлик таъминоти хизматларини хусусий шериклик асосида ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқиш вазифаси кўйилди.

Президентимиз тақлиф этилаётган лойиҳани Тошкент шаҳридаги мавзёлардан бирида намуна сифатида жорий этиб, самарадорлигини тажрибадан ўтказиш, ҳар томонлама чуқур ўйлаб, қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Бошқарувга беришдан олдин "Тошиссикқуввати" давлат унитар корхонасига тегишли мол-мулк ва бинолар хатловдан, кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминоти тизимлари техник ва энергетик аудитдан ўтказилиши белгиланди.

Лойиҳани амалга ошириш учун Иссиқлик тизимини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиш бўйича кўрсатма берилди. Лойиҳа доирасида олинган соф фойданинг 10 фоиздан ошган қисми мазкур жамғармага ўтказиб борилди.

Махсус техника, ускуна ва материалларни давлат харидлари тўғрисидаги қонунга асосан очик тендер орқали, мақбул нархларда сотиб олиш кераклиги қайд этилди.

"Veolia" компанияси билан бирга маҳаллий мутахассислар малакасини ошириши йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Ў.А.



Қонунчиликни билинг

Шаҳарсозлик кодексининг 40-моддаси нима ҳақида?



40-модда. Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси

Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси ушбу режаларнинг юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқлиги юзасидан ўрганилишини ҳамда баҳолалишини назарда тутди.

Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси жамоатчилик назорати субъектларининг ташаббусига кўра ва жамоатчилик муҳокамасини ўтказувчи шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органларига жамоатчилик экспертизасини ўтказиш заруратини асослаган ҳолда берган аризаси асосида ўтказилади.

Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизасини ўтказишга доир ариза жамоатчилик муҳокамаси ўтказилганидан кейин ўн беш кун ичида шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинади.

Жамоатчилик экспертизаси жамоатчилик асосида, жамоатчилик назорати субъектларининг маблағлари, ҳомилийк маблағлари ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Аҳоли пунктлари бош режаларининг жамоатчилик экспертизаси натижалари бўйича якуний ҳужжат тайёрланиб, у шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органига тақдим этилади.

Аҳоли пунктларининг бош режаларини тасдиқлаш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қиливчи шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органи ўтказилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари билан бир қаторда жамоатчилик экспертизасининг якуний ҳужжатида келтирилган тавсияларни ҳисоба олади.

ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАРГА ТЕНГДОШ

"O'zbekiston bunyodkori" газетасининг илк сони чиққанига 5 йил тўлди

Дилшод ЖАЛОЛОВ, "O'zbekiston bunyodkori" газетаси Бош муҳаррири.

Давлатимиз оммавий ахборот воситаларига алоҳида эътибор қаратаётгани туфайли кейинги йилларда уларнинг сони бир неча баробарга ошди. Ҳозирги матбуот нашрлари бундан ўттиз йиллар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. Ёши катталар яхши эшлади, ўша даврларда касрият матбуотлар халқнинг турмуш тарзидан мулқоқ йироқ эди, ёритаётган материаллари фақат расмий, яъни, ҳукумат топшириқларига асосланганди. Одамларнинг яшаш тарзи, оила ва жамиятиимиздаги бошқа жиҳатларга умчалик эътибор берилвермасди. Истиқлолнинг илк давридан бошлаб юртимизда мазкур масалага жиддий аҳамият берилиб келинади. Энг аввало, матбуотчиларга "Тўртинчи ҳокимият" мақоми берилди, уларнинг эркин фаолият юритишлари, материалларни тайёрлаш жараёнида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмаслиги учун қафолатланган қонунлар қабул қилинди.

Нашрлар сифатини ошириш ҳамда бозор тизими талабларидан келиб чиқиб, рақобат муҳитини яратиш мақсадида улар сони йил сайин ошмоқда. "O'zbekiston bunyodkori" газетаси ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйини ташкил қилиш ва

"O'zbekiston bunyodkori" газетасини таъсис этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2016 йилнинг 10 июндаги қарори асосида беш йилдан буён фаолият кўрсатиб келяпти.

Беш йил – бир қарашда бу катта сана эмас, бироқ шу соҳада хизмат қилаётган ҳамкасблар яхши билишади, унинг ҳар бир сони муҳлислар қўлига кўнглидагидек етиб бориши учун мусаҳиҳдан тортиб, бош муҳарриргача ҳазилакам изланишлар қилиши, меҳнат сарфлаши керак. Ана шунинг учун ҳам "газетчининг номи қаттиқ, бироқ тотли бўлади", деган гап бежизга айтилмайди.

Бундан ташқари газета ва унинг ходимлари зиммасидаги ўта масъулиятли вазифалардан яна бирини айтиб ўтиш керак. Маълумки, айрим оммавий ахборот воситаларида берилётган материаллар бир-икки бор чиқишлардан сўнг, биров мuddат ўтгач, архив орқали йўқ қилинади. Аммо газеталарда чоп этилган ҳар бир манба орадан юз йиллар ўтса ҳам ҳужжат бўлиб қолаверади. Ана шунинг учун газета журналистлари орасида салом-алиқдан сўнг, биринчи калом, "набатдаги сон яхши чиқдим, хатолар йўқми?" деган сўзлар ҳар кун қайта-қайта такрорланади.

Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар шарофати билан халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳолидаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ҳамда ободонлаштириш ишлари, шаҳарсозликдаги янгиликлар ва бу борадаги узлуksиз изланишларни кенг ёритишга мўлжалланган "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг биринчи сонидан бошлаб ислохотлар ташаббускорининг "Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз!" шiori остида чоп этиб

келняпти. Газетанинг қалдирғоч сони шакллантириш айниқса, осон кечмаганди. Аввало, етарлича маблағ зарур бўлиб, жой ва керакли воситалар камёб эди. Мана шундай вазиятда Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда Қурилиш вазирлиги (ўша даврда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси)нинг бевосита кўмаги мақсадга эришиш имконини берганини алоҳида эътироф этмоқ керак.

Дастлабки сонни шакллантиришда кўзга кўринмас муаммоларга қарамай ўша пайтда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, таникли ижодкор, марҳум Мурод Абдуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ўнлаб бадиий ва публицистик асарлар муаллифи Али-назар Эгамназаров, Маъсуджон Сулаймонов, Муҳаммади Рўзиев, Акрамжон Сатторов каби тажрибали қаламкаш ҳамкасбларнинг мадад қўлини чўзганликларини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Уларнинг ўз вақтида қўллаб-қувватлаганликлари туфайли дастлабки натижадорликка эришилди. Шу ва бошқаларнинг бевосита кўмагида 2016 йилнинг 2 августиде, яъни, қарор чиққанидан сўнг, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг биринчи сони дунё юзини кўрди ва ўқувчилар қўлига етиб борди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, "O'zbekiston bunyodkori" газетасини ҳақли равишда юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар тенгдоши деса бўлади. Унинг илк сони аввалидан барча соҳаларда бошланган узлуksиз янгилинишлар саҳифаларимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Айниқса, ўтган йилларда замонавий лойиҳалар асосида қурилиш ва бунёдкорликлар бўйича шаҳар ҳамда

қишлоқларда қурилаётган бир-биридан гўзал кўп қаватли уй-жойлар, ана шу объектлардаги иш жараёни узлуksиз равишда ёритиб бориляпти. Соҳага ихтисослашган ташкилотларда олиб борилаётган изланишлар натижасида яратилаётган янги-янги қурилиш материаллари ва уларнинг афзалликлари, уй-жой коммунал хўжалиги, транспорт, энергетика тизимларида олиб борилаётган ишлар билан ўқувчиларни доимий равишда хабардор қилиш масаласи газетамизнинг доимий эътиборида. Шулар баробарида қурилиш соҳасига йўналтирилган янги қонунлар, мезъий ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳам саҳифалардан кенг ўрин олиб келмоқда.

Давлат дастурлари ижросини таъминлаш бўйича илғор тажрибаларни кенг ва батафсил ёритиш, шунингдек, қурилиш соҳасида ёш кадрларни тайёрлашга ихтисослашган ўқув юртларида ҳамда олиб борилаётган ишлар ҳамда ёшларнинг замон талабларига мос равишда камол топишида беинминат ҳисса қўшиб келаяётган тажрибали устозлар фаолиятини доимий ёритиб бориш ҳам диққат марказимизда. Шулар қаторида газета ва унинг жамоаси олдида фаолиятимизни янада кенгайтиришга мўлжалланган жуда кўп мақсадлар турибди. Уларни амалга оширишда энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги бошқармалар, корхона ва ташкилотларга таяниб, бундан кейин ҳам Сиз азиз муҳлисларимизнинг ишончингизни оқлаш учун барча саъй-ҳаракатларни қилверамиз. Унинг янада ўқимишли чиқishi, ранг-баранглиги ва сермазмун бўлиши ҳам Сиз азиз ўқувчиларимизнинг тақлиф-тавсияларингизга боғлиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси

“Обод қишлоқ” дастури ижроси прокурор назоратида

Марат УЛПЕТОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Фархат Алламбергенов Беруний туманидаги “Обод қишлоқ” дастурига киритилган “Беруний” ва “Абай” ОФЙ ҳудудларида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишди.

Мазкур ҳудудларда дастур доирасида 17, 173 млн сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши назарда тутилган. Шу мақсадда қарор билан ички йўлларни таъмирлаш учун 2, 257 млн сўм, ичимлик суви тармоқларини тортиш ва сув иншоотларини қуриш учун 315 млн сўм,

электр таъминотини яхшилаш учун 961 млн сўм, алоқа тармоқларини қуриш ва таъмирлаш учун 1 120 млн ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш учун 6, 575 млн сўм маблағлар ажратилган.

Дастур доирасида бугунги кунда 2,2 километр ичимлик суви тармоқлари тортилиб, 3 километр электр линиялари янгиланди, 124 та электр таянч устунлари ва 2 та трансформаторлар ўрнатилди.

Урганишлар жараёнида ҳудудларга ажратилаётган пул маблағларининг манзилли сарфланишини таъминлаш, талон-торожликларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир объект бўйича тизимли назоратни таъминлаш ва ишларнинг боришини кунлик ўрғаниб, мавжуд муаммоларни жойидан бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

Фарғона вилояти

Марғилон хунармандлари

Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Марғилонда хунармандчилик турларидан хабарсиз инсон бўлмаса керак. Шаҳардаги “Орол бўйи” МФЙда 5 000 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллани ҳеч иккаланмай хунармандлар маҳалласи, дейиш мумкин. Сабаби ҳудуддаги 155 та тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми касибчилик, чеварчилик, новвойлик билан шуғулланади.



Айниқса, чарм пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хунарманд-қосиблар кўп. Бир қосиб ўз цехида камидан 8 нафардан 60 нафаргача ёшларни иш билан таъминлаб келмоқда. Ушбу қосибчилик цехларида бир кунда 15 минг жуфт, бир ойда эса 390 минг жуфт ёки умумий қиймати 9,7 миллиард сўмлик болалар ва ўсмирлар оёқ кийимлари ишлаб чиқарилапти. Айни дамда 1 050 нафарга яқин “Темир дафтар”, “Ешлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган фуқароларнинг бандлиги таъминланган.

Ҳозирги кунда маҳаллада Хунармандлар уйлари ва Қосибчилик маркази қуриш ишлари жадал олиб бориламоқда. Хусусан, қосибчиликни янада ривожлантиришга ихтисослаштирилган “Showroom” номли ўқув маркази қурилиши ишларига 1,5 миллиард сўм маблағ ажратилган.

62 та лойиҳа амалга ошяпти

Фарғона шаҳрида 4 та кичик саноат зонаси ташкил этилган бўлиб, уларда умумий қиймати 944,7 миллиард сўмга тенг 62 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Лойиҳалар тўлиқ ишга тушса, 3 495 та янги иш ўрни яратилади. Қолаверса, вилоят маъмурий марказининг ўзида 2021 йил учун 73 та умумий қиймати 996,4 миллиард сўмликка тенг инвестиция лойиҳа-

лари юзага чиқарилмоқда. Хусусан, Фарғона шаҳрида жорий йилнинг январь-март ойларида умумий қиймати 113,5 миллиард сўмга тенг 5 та лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ҳамда 312 та янги иш ўрни яратилди.

Ислоҳотлар инсон учун

Қўқон шаридаги 47-сонли “Райхон” маҳалласи ҳудудида жойлашган кўп квартиралли уйлар ҳудуди ободонлаштирилиб, ички йўлақлар асфальт билан қопланди.

Эҳтиёжмандга уй қуриб берилди

Фурқат тумани Чек кўприк қишлоғида яшовчи Раънохон Рустамова ёлғиз аёллиги, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги сабабли “Темир дафтар”га киритилиб, туман ҳокимлиги, ҳомийлар томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинади.

1-сектор раҳбари ташаббуси ва ҳомийлар ёрдами билан унга 2 хонали уй, ошхона, айвон қурилиб, девор билан ўралди. Яшаш учун яроқсиз ҳолатдаги уй ўрнида шинам ва қурлоқ хонадон пайдо бўлди.

Навоий вилояти

Давлат хизматлари халқ хизматида

Ҳилола ИСМАТОВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Давлат хизматлари агентлиги Навоий вилояти бошқармасида жорий йил II чорак якунлари муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Унда хизматлар сифати, пандемия даврида аҳоли учун онлайн хизмат кўрсатиш, 130 та хизмат турининг 150 тага ошгани, йил якунига қадар давлат хизматлари турининг 200 тага, онлайн хизматлар олиш эса 60 тага кўпайтирилиши каби масалалар ҳақида сўз борди.

Тадбирда бошқарма бошлиғи Беҳзод Сафаров давлат хизматлари кўлами хусусида ОАВ вакилларига маълумотларни очиқлади. Ушбу даврда Давлат хизматлари марказлари томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 170 000 дан ортиқ хизматлар кўрсатилган. Шундан 10 мингтаси электрон тарзда онлайн амалга оширилган бўлса, 34 мингтаси сайёр тартибда аҳоли билан юзма-юз учрашувлар орқали ташкил этилган. Таъкидлани-



шича, энг кўп муурожаат қилинган хизмат тури – давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш, СТИР аниқлаш, пенсия (нафақа) ҳақида маълумот олиш эканлиги айтиб ўтилди.

Маълумки, давлат хизматлари марказлари тури таъкидланиб ва идораларнинг электрон базаларига интеграция қилинган ҳолда фаолият олиб боради. Бунда аҳоли ва тадбиркорларнинг муурожаатларига

Наманган вилояти

Тўрақўрғонда “Саломатлик йўлаклари”

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Косонсой кўчаси Тўрақўрғон туманидаги асосий йўллардан бири. У “Тошкент” маҳалласи ҳудудида ўтган. Шу кунларда бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Қурувчилар, йўлсозлар тиним билмай меҳнат қилишмоқда. Машина ва механизмлар уларга камарбаста.

– Бу кўчада нима қурилаётганлигидан яқинда хабар топдим, – дейди етмиш беш ёшли меҳнат фахрийси Қодиржон Абдукаримов. – Маълум

булишича, “Саломатлик йўлакчаси” экан. Ўзим шу атрофда яшаганим учун бундан жуда қувондим. Чунки аввалдан соғлом турмуш тарзига

одатланганман. Жисмоний тарбия машқлари билан мунтазам шуғулланаман. Пиёда сайр қилишни ёқтираман. Шунинг учун доим ўзимни яхши ва бардам ҳис қиламан.

Йўлакча қурилаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Унинг умумий узунлиги 1 200 метрни ташкил этади. Бош пудратчи – “Шоҳ Жалолиддин Сомоний” МЧЖ ишчилари 4 миллиард 600 миллион сўмлик иш бажаришни ўз зиммаларига олишган. Улар Муствақилликнинг ўттиз йиллиги байрами арафасида ишларни якунлаш учун жиддий ҳаракат қилишяпти.

Лойиҳа ҳужжатларига назар ташласангиз, кўчанинг икки томонида пиёдалар ва велосипедчилар учун алоҳида йўлақлар бўлади. Одамлар ҳордиқ чиқаришлари учун қўлай ўриндиқлар ўрнатилди. Замонавий тунги ёритиш чироқлари эса атрофни равшан қилиб туради.

Шу кунларда Наманган вилоятининг бошқа туман марказларида ҳам худди шундай “Саломатлик йўлаклари” барпо этиш ишлари жадал олиб борилаётганини қайд этиш лозим. Уларнинг барчаси Истиқлол байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

Ичимлик суви бўйича муаммо бўлмади

Дилбар АБДУЛЛАЕВА,
“Наманган сув таъминоти” МЧЖ шаҳар филиали аҳоли истеъмолчилар сектори раҳбари.

Мамлакатимизда модернизациялаш бўйича ичимлик суви таъминоти тизимида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Авваллари истеъмолчилардан ичимлик суви пули тўловини амалга ошириш жараёнида бирмунча қийин кечарди. Сабаби жойларда ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ечилмай ётарди. Бу эса оби ҳаётни истеъмолчиларга етказиб бериш билан боғлиқ хизматларни амалга оширишда соҳада муаммоларга сабаб бўлиб, барчаси маблағга бориб тақаларди.

Аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш бўйича қабул қилинган қарорлар билан тизимда мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Хизмат муддатини ўтаб бўлган тармоқларни янгилаш бўйича инвестициялар киритилмоқда. Муаммолар ҳудудлар кесимида бартараф этилиб, манзилли ишлар ташкилланган.

Жумладан, маҳаллабўй тизим асосида ишлар жадал олиб бориляпти. Биргина Наманган шаҳрининг “Даштбўё” ва “Гўнча” маҳаллалари ҳудудларидаги ичимлик суви тармоқларини “Обод маҳалла” дастури доирасида реконструкция қилиш режалаштирилган. Унга кўра, “Гўнча” маҳалласида 5800 метр ичимлик суви тармоғи тортиш кўзда тутилган. “Наманган сув таъминоти” МЧЖ шаҳар бўлимининг лойиҳаси бўйича ҳозирда траншея қазииш ишлари якунланди ва 533 метрда сув тармоғи тортилди.

Шунингдек, шаҳарнинг “Обод” МФЙдаги Қўқон кўчасида яшовчи фуқаролардан олдинлари ичимлик суви масаласида жуда кўп шикоятлар бўларди. Бу муаммони ҳам бартараф этишга киришилди. Худуднинг 429 метрига қувурлар уланди. Худудларда олиб борилаётган ишлар кўлами кенглиги билан соҳада янги бурилиш нуқталарни яратди.

Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш учун “Наманган сув таъминоти” МЧЖ шаҳар бўлими ҳам имкониятлари ҳисобидан маҳаллаларга тармоқлар тортиб, реконструкция қилияпти. Ташкилот маблағлари эвазига шаҳарнинг “Олтитош”, “Бўстон”, “Гўнча”, Янги ҳаёт, Янгиобод ва Амнр Темур маҳаллаларининг ички кўчалари, янги ташкил этилган участка ҳудудларининг салкам 4 километрига тармоқ тортиш ишлари бажарилди. Айни шундай ишлар келгусида маҳаллий бюджет ҳисобидан Яққасада, Яққасут, “Қурашхона” МФЙларида ҳам олиб борилади.

Самарқанд вилояти

Янги механизмлар ишга туширилди

Ҳамза ШУКУРОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Электр энергияси таъминотини яхшилаш, узлуксиз ва юқори сифатлиликка эришиш ҳамон жойларда кун тартибидеги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида бу соҳада амалга оширилиши лозим қатор муаммолар мавжудлиги сир эмас. Мисол учун, “Динамо” стадионининг астойдил интиляяпти. Жумладан, тадбиркорларнинг янги корхона ташкил этиш борасидаги оруз-ниятлари ҳам ушалаётгани диққатга сазовор. Айни пайтда Самарқанд

кенгаши ўтаётган пайтда электр таъминотидаги узиллиш ва бошқа нохуш ҳолатлар анчагина эътирозга сабаб бўлди. Натижанда “Самарқанд шаҳар электр тармоқлари” корхонаси бошлиғи бепарволикда айбаниб, ишдан бўшатирилган эди.

– Энергетика тизимида раҳбарларни алмаштириш билан қутилган самаргага эришиш қийин, – деди корхонанинг янги директори Алишер Муталибов. – Чунки шаҳар кенгаймоқда, аҳоли сони ошиб, электр энергиясига талаб ортиб бормоқда. Таъминот эса ҳамон ўша-ўша. Бундай вазиятда ҳар қандай мутахассис хатога йўл қўйиши мумкин. Шунга қарамай амалий ҳаракатлар туфайли фаолиятга ижобий таъсир кўрсатадиган механизмлар ишга солиняпти.

Дарҳақиқат, самарқандлик нурчилар айни пайтда электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш, электр қурilmалари ишлашини таъминлаш мақсадида тиним билишмаяпти. Тузилган режалар вақтида удаланаётгани ютуқларга йўл очяпти. 3 та нимстанция, 24,9 километр масофадаги узатиш тармоғи реконструкция қилинди, 47 та трансформатор пункти янгиланди, 1 302 та ёғоч устунлар алмаштирилди. Намозгоҳ, Мотрид, Саттепо, Шарқий нимстанциялар қурилиб, 17,8 километр масофага икки занжирилди 35-110 кВли электр узатиш тармоғи тортилди, 2 та янги трансформатор ўрнатилди.

Худудий электр тармоқлари корхонасининг манзилли дастури ва “Обод маҳалла” дастури доирасидаги юмушлар жадаллаштирилгани айни мuddаодир. Уларга мувофиқ 7,7 кило-

метр тармоқ ва 2 та қўшимча трансформатор ўрнатиш белгиланган. Самарқанд шаҳри инфратузилмасини яхшилаш ва туризмни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар электр таъминотидаги нуқсонлар барҳам топишида муҳим рўл уйнамоқда.

Жорий йил режасига мувофиқ 12 та объектда қурилиш ишларини қурулаш чоралари қўрилмоқда. Ўрнатилган АСКУЭ ҳисоблагичларини 144 мингга яқин миқдорнинг тўлақонли биллинг тизимида алоқага чиқариш, истеъмолчиларнинг электр энергияси учун вужудга келган дебитор қарздорликни ундириш учун белгиланган тартибда суд-қўқуш органлари билан ҳамкорликда ишни ташкил этиш ўз самарасини бераётганини таъкидлаш ўринлидир.

Банк кўмагидаги корхона

“Жомбойцемент” МЧЖ маҳаллийлаштириш дастури доирасида салмоқли натижаларга эришяётган корхоналардан ҳисобланади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган цемент сифатли ва мустаҳкамлиги боис ички бозордаги харидорчилиги тобора ошиб бормоқда.

Бундан руҳланган жамият аъзолари эндиликда тайёрланган маҳсулот ҳажминини янада кўпайтириш, цехларни кенгайтириш, уни хорижга экспорт қилиш учун астойдил интиляяпти. Жумладан, тадбиркорларнинг янги корхона ташкил этиш борасидаги оруз-ниятлари ҳам ушалаётгани диққатга сазовор. Айни пайтда Самарқанд

туманининг Миронқул тоғ этакларидан 21 гектар ер ажратилиб, гигант завод қурилиши жадал бошлаб юборилган. “Ўз-саноатқурилишбанк” АТБ Самарқанд минтақавий филиали режани рўёбга чиқаришда ўз кредит маблағини тақдим этгани, айниқса эътиборлидир.

– Ҳар қандай тараққиёт сояси сармоядир, – деди филиал

бошқарувчисининг ўринбосари Бекмирза Қудратов. – Банкмиз истиқболли бизнес-режа тўзиб, ишбилармонларни доим қўллаб-қувватлаб келган. “Жомбойцемент” МЧЖ ташаббуси ҳам шунга мувофиқ амалга ошириляпти. Уларга ажратилган 29 миллион АҚШ доллари қўзланган мақсадда самарали фойдаланилмоқда. Йилига бир миллион тонна цемент ва 6 хилдаги бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводда ишлар авжида. Хитойлик мутахассислар маҳаллий ишчи-хизматчилар барча юмушларни кам-кўстисиз адо этишмоқда.

Маҳсулот – экспортга

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида жойларда очилган саноат зоналари ўз самарасини бера бошлади.

Нарпай туманида ташкил қилинган ишчиоздалар маскани фикримизга исботдир. Бу ерда фаолият кўрсатган “Жамшиддон универсал савдо” хусусий корхонаси аллақачон ўз маҳсулотлари билан миқдорли эътиборини қўзғолмоқда.

Олтмиш нафар йигит-қизларни жамлаган жамоа айни пайтда Россия, Эрон ва Хитой давлатларидан олиб келинган иччам, тежамкор технологиялардан унумли фойдаланиб, қурилишоб материаллар тайёрлашга эришяпти. Жамият аъзолари яқинда оҳак ва силлиқланган гиштини экспортга чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

“Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармасининг Қарз маблағлари ҳисобидан Қишлоқ жойларидаги уй-жой объектларида ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан

тендер савдоларини эълон қилади

№ ҚФР- 2021-02

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2021 йил 3 август.

1. Ўзбекистон Республикаси ва Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси (кейинги ўринларда ҚАИТЖ) ўртасида имзоланган 1024-сонли Қарз келишувига асосан “Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” Лойиҳасини амалга ошириш бўйича ва Қарз маблағларидан фойдаланиш мақсадида, Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК (“Буюртмачи”) ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларининг қуйида келтирилган Лотлар бўйича ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун муҳрланган танлов таклифларини кириштиларини таклиф қилади.

Қурилиш мuddати – 5 (беш) ой.
А) Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ жойларида жами 5,657 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
Б) Бухоро вилоятининг қишлоқ жойларида жами 5,477 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
В) Жиззах вилоятининг қишлоқ жойларида жами 0,977 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
Г) Қашқадарё вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1 дона 50 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) ва 1 дона кудуқ (скважина) ҳамда 4,803 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
Д) Навоий вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1 дона 50 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) қуриш, 1 дона 50 м³ ҳажмдаги резервуар ва 1 дона сув насос станцияси ҳамда 0,386 км ичимлик суви ва 0,240 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
Е) Сурхондарё вилоятининг қишлоқ жойларида жами 9 дона 25 ва 50 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) қуриш 6 дона кудуқ (скважина), ҳамда 6,642 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
Ё) Сирдарё вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1 дона 25 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) ва 1 дона кудуқ (скважина) ҳамда 0,510 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати 5 (беш) ойни ташкил этади**).
Ж) Фарғона вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1 дона 50 м³ ҳажмдаги сув иншооти (башня) қуриш, 8 дона кудуқ (скважина), 12 дона 150 м³ ҳажмдаги резервуар ҳамда 3,902 км ичимлик суви ва 4,824 км оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
З) Хоразм вилоятининг қишлоқ жойларида жами 1 дона 100м³ ҳажмдаги резервуар ҳамда 7,583 км ичимлик сув тармоқларини қуриш (**қурилиш мuddати** – 5 (беш) ой).
2. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга ва ҚАИТЖ харидлар бўйича тартиб қоидалари ва тамойилларига мувофиқ ўтказилади ҳамда юқорида кўрсатиб ўтилган қўлланмага асосан янги тартибга мувофиқ рейтинг тизимига кирган “СС” ва **ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар учун очик.

3. Янги тартибга мувофиқ ичимлик ва оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишида рейтинг тизимига кирган “СС” ва **ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** қурилиш ташкилотлари тендер савдоларида қатнашиш ҳуқуқига эга.
4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзил бўйича иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин:

Қорақалпоғистон Республикаси	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти
Манзил: Нукус шаҳри, Фарезсизлик, 59-“а”. Телефон: (61) 222-74-12. Факс: (61) 222-74-12.	Адрес: Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 6. Телефон: (65) 223-96-29. Факс: (65) 223-97-51.	Манзил: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 1. Телефон: (72) 771-64-31. Факс: (72) 771-64-32.
Қашқадарё вилояти	Навоий вилояти	Сурхондарё вилояти
Манзил: Қарши шаҳри, И. Каримов кўчаси, 60-“а”. Телефон: (75) 223-18-80. Факс: (75) 223-19-11.	Манзил: Навоий шаҳри, Зарапета кўчаси, 10. Телефон: (79) 220-50-04. Факс: (79) 220-50-03.	Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42. Телефон: (76) 223-44-73. Факс: (76) 223-44-78.
Сирдарё вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти
Манзил: Гулистон шаҳри, Ахтамов кўчаси, 30. Телефон: (67) 227-64-84. Факс: (67) 227-64-42.	Манзил: Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 36. Телефон: (73) 244-68-91. Факс: (73) 224-68-92.	Манзил: Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси, 10-уй. Телефон: 95-620- 52-14. Факс: 62-228-51-99.

5. **Тендер ҳужжатларининг нуҳсансин олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзилга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:**

“_____вилояти, _____тумани, _____массивидаги, _____лот иншооти (башня), кудуқ (скважина), резервуар, насос станциясини қуриш ва _____км ичимлик сув ҳамда оқова сув (канализация) тармоқлари қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.” Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб “СС” ва **ундан юқори рейтинг баҳосига эга бўлган** барча иштирокчилар томонидан, рус тилида тузилган тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини олишлари мумкин. Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи кейинчалик қайтариб берилмайдиган 1 БХМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.

Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:

Қорақалпоғистон Республикаси	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти
Банк: АТБ “Капиталбанк” Нукус филиали Ҳ/р: 2021 0000 9039 5251 8001 СТИР: 202 610 040	Банк: АТИБ “Ипотека-банк” Бухоро филиали Ҳ/р: 2021 0000 9035 5090 9001 СТИР: 202435424	Банк: АТИБ “Ипотека-банк” Жиззах филиали Ҳ/р: 2021 0000 0037 5718 9001 СТИР: 202 411 803

ТАКЛИФ № ҚФР -2021-02

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони асосан 2021 йилда Қувайт Араб иқтисодий тараққиёти жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларда муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳаси доирасида ичимлик сув тармоқлари ва оқова сув (канализация) тармоқларини қуриш бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН

Лот №	Туман номи	Массив номи	Сув иншооти (Башня) сони ва ҳажми (м³)	Кудуқ (Скважина) сони	Резервуар сони ва ҳажми (м³)	Сув насос станцияси сони	Тармоқ узунлиги (км)		Таклифларни топширишнинг охириги мuddати	
							Ичимлик суви	Оқова сув (канализация)		
Қорақалпоғистон Республикаси										
Лот № 15	Амударё	Гулзор					5,657 км		2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00	
	Беруний	Тўқимачи					0,190			
	Бўзатов	Бўзатов					0,546			
	Кегейли	Жузимбаг					0,415			
	Қонликўл	Дўстлик					0,787			
	Қораўзак	Есим					0,252			
	Кўнғирот	Канли					0,526			
	Нукус	Ақмангит					0,254			
	Тахياتош	Халқлар дўстлиги					0,223			
	Тахтақўпир	Фарезсизлик					0,255			
	Тўрткўл	Уллубоғ					0,135			
	Хўжайли	Кун нури					0,605			
Чимбой	Жипек жоли					0,229				
Шуманай	Маданият					0,153				
Элликқалъа	Элликқалъа					0,294				
Бухоро вилояти										
Лот № 16	Олот	Халифа					5,477 км		2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00	
	Пешку	Янгибозор					0,964			
	Шофиркон	Мирзоқул					0,630			
	Ромитан	Бобур					0,740			
	Жондор	Навгади					0,246			
	Қорақўл	Қорақўл					0,223			
	Когон	Сухор					0,272			
	Қоровулбозор	Навбахор					0,450			
	Бухоро	Работак					0,731			
	Вобкент	Дўстлик					0,138			
	Жиззах вилояти									
	Лот № 17	Арнасой	Олтин Водий					0,977 км		
Дўстлик		Мевазор					0,106			
Ш.Рашидов		Токчилик					0,545			
Зафаробод		Бўстон					0,301			
Қашқадарё вилояти										
Лот № 18	Ғузор	Мустақиллик	1 та 50 м³	1 дона			4,803 км		2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00	
	Деҳқонобод	Бешбулоқ					0,090			
	Қамаши	Ўзбекистон					0,100			
							0,037			

Лот №	Туман номи	Массив номи	Сув иншооти (Башня) сони ва ҳажми (м³)	Кудуқ (Скважина) сони	Резервуар сони ва ҳажми (м³)	Сув насос станцияси сони	Тармоқ узунлиги (км)		Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
							Ичимлик суви	Оқова сув (канализация)	
Лот № 19	Касби	Тинчлик					1,436		2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
		Машъал					0,132		
		Янги Миришкор					0,156		
Лот № 20	Миришкор	Китоб					0,337		2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
		Чўмич					0,110		
		Олтин дала					0,145		
Лот № 21	Яккабўғ	Истиқбол	1 та 50 м³	1 дона			1,148		2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
		Истиқбол					0,707		
		Чаман					0,132		
Навоий вилояти			1 та 50 м³		1 та 50 м³	1 дона	0,386 км	0,240 км	2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
Лот № 22	Кармана	Маликработ	1 та 50 м³		1 та 50 м³	1 дона	0,386	0,240	
Сурхондарё вилояти			9 та 25-50 м³	6 дона			6,642 км		
Лот № 23	Бандихон	Бандихон	1 та 25 м³				0,533		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Мустақиллик					0,340		
Лот № 24	Денов	Нурли манзил	1 та 50 м³				0,855		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Ипоқ					0,206		
Лот № 25	Шўрчи	Оқкамар	1 та 25 м³	1 дона			0,220		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Қораёнтоқ	1 та 50 м³	1 дона			0,440		
Лот № 26	Музрабод	Янги ҳаёт					0,137		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Лутфиқор	1 та 50 м³	1 дона			0,218		
Лот № 27	Сариосиё	Узун	1 та 25 м³	1 дона			0,185		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Бажористон					0,550		
Лот № 28	Шеробод	Тароқли	1 та 50 м³				0,198		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Шодлик					0,223		
Лот № 29	Кизириқ	Шарқ гули	1 та 50 м³	1 дона			1,987		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Учқизил					0,550		
Сирдарё вилояти			1 та 25 м³	1 дона			0,510 км		
Лот № 30	Боёвут	Учтўрғон	1 та 25 м³	1 дона			0,266		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
		Янги ҳаёт					0,244		
Фарғона вилояти			1 та 50 м³	8 дона	12 та 150 м³		3,902 км	4,824 км	
Лот № 31	Боғдод	Мурувват		2 дона	2 та 150 м³		0,829	0,668	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
Лот № 32	Боғдод	Мурувват						1,691	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
Лот № 33	Олтиариқ	Катпут		1 дона	2 та 150 м³		0,662	0,344	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
Лот № 34	Қува	Турк		1 дона	2 та 150 м³		0,876	0,643	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
Лот № 35	Риштон	Нурафшон		1 дона	2 та 150 м³		0,222	0,285	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
Лот № 36	Тошлоқ	Ахшак		1 дона	2 та 150 м³		0,568	0,197	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00

4 | ТЕНДЕР САВДОЛАРИ

**О‘ЗБЕКISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА**

№60 (511) 2021 йил 3 август

«3» бет

Лот №	Туман номи	Массив номи	Сув иншооти (Башня) сони ва ҳажми (м³)	Қудуқ (Скважина) сони	Резервуар сони ва ҳажми (м³)	Сув насос станцияси сони	Тармоқ узунлиги (км)		Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
							Ичимлик суви	Оқова сув (канализация)	
Лот № 36	Фурқат	Ғунча		1 дона	2 та 150 м³		0,247	0,489	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
Лот № 37	Данғара	Қизилмушт	1 та 50 м³	1 дона			0,256	0,252	2021 йил 6 сентябрь, соат 11.00
	Бешариқ	Адиробод					0,061	0,071	
	Учкўприк	Тожиқ					0,050	0,062	
	Фарғона	Янги аср					0,131	0,122	
Хоразм вилояти					1 та 100 м³		7,583 км		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
Лот № 38	Боғот	Оқ-тепа					0,430		
	Хонқа	Ширин					0,195		
	Хива	Шомохулум					0,950		
Лот № 39	Ҳазорасп	Зеҳнли					0,955		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
	Тупроққалъа	Обод					0,931		
Лот № 40	Янгиариқ	Дўстлик			1 та 100 м³		0,750		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
Лот № 41	Гурлан	Чинобод					0,690		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
	Янгибозор	Ифтихор					0,199		

Лот №	Туман номи	Массив номи	Сув иншооти (Башня) сони ва ҳажми (м³)	Қудуқ (Скважина) сони	Резервуар сони ва ҳажми (м³)	Сув насос станцияси сони	Тармоқ узунлиги (км)		Таклифларни топширишнинг охириги мuddати
							Ичимлик суви	Оқова сув (канализация)	
Лот № 42	Қўшқўпир	Ёвғир					0,795		2021 йил 7 сентябрь, соат 11.00
	Урганч	Коромон					0,625		
	Шовот	Қирғоқ бўйи					1,063		

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар қўшимча маълумотлар олиш учун “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИКнинг худудий филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Ичимлик ва сув тармоғи узунлиги (км)	Талаб этилган 3 йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Талаб этилган молиявий ресурс миқдори (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги 1 шартнома (сўм)	Сўнгги 3 йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йил давомида қуриб битказган ичимлик ва оқова сув (канализация) тармоқлари узунлиги п.м
1 км	500 000 000,0	200 000 000,0	450 000 000,0	900,0	100,0	600,0
2 км	1 000 000 000,0	400 000 000,0	900 000 000,0	1 800,0	200,0	1 200,0
3 км	1 500 000 000,0	600 000 000,0	1 350 000 000,0	2 700,0	300,0	1 800,0
4 км	2 000 000 000,0	800 000 000,0	1 800 000 000,0	3 600,0	400,0	2 400,0

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 июлдаги “Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида “Намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши юзасидан қишлоқ массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш (2-босқич)” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ВМҚ-427-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

“Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси

